

ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛИЯТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАЪСИРИ

Турсунов Имомназар Эгамбердиевич

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

«Бизнес бошқаруви» кафедраси профессори

tursunov-ie64@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада тадбиркорлик субъектларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнида "яшил" иқтисодиёт тамойилларининг туган ўрни таҳлил қилинади. Замонавий инвесторларнинг экологик ва ижтимоий масъулият (ESG) мезонларига бўлган қизиқиши, яшил технологияларнинг инвестицион жозибадорликни оширишдаги аҳамияти ҳамда Ўзбекистонда ушбу соҳани такомиллаштириш бўйича таклифлар кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: яшил иқтисодиёт, хорижий инвестиция, тадбиркорлик, ESG мезонлари, барқарор ривожланиш, энергия тежамкорлик, инвестицион жозибадорлик.

Abstract: This article analyzes the role of "green" economy principles in the process of attracting foreign investment to business entities. It examines the interest of modern investors in environmental, social, and governance (ESG) criteria, the importance of green technologies in increasing investment attractiveness, and provides proposals for improving this sector in Uzbekistan.

Keywords: green economy, foreign investment, entrepreneurship, ESG criteria, sustainable development, energy efficiency, investment attractiveness.

Аннотация: В данной статье анализируется роль принципов «зеленой» экономики в процессе привлечения иностранных инвестиций в субъекты предпринимательства. Рассматриваются интерес современных инвесторов к критериям экологической и социальной ответственности (ESG), значение «зеленых» технологий в повышении инвестиционной привлекательности, а также предложения по совершенствованию данной сферы в Узбекистане.

Ключевые слова: зеленая экономика, иностранные инвестиции, предпринимательство, критерии ESG, устойчивое развитие, энергоэффективность, инвестиционная привлекательность.

Кириш. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш орқали камбағалликни икки баробарга қисқартириш, иқтисодиётда рақобатни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига тенг шароитлар яратиш, бозор муносабатларига тўлақонли ўтишни жадаллаштириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий ва хорижий инвестициялар ҳажмини кескин ошириш талаб этилади.

Сўнги йилларда хорижий инвестиция жалб қилишни рағбатлантириш, ушбу йўналишдаги бизнес-субъектларини ҳар томонлама ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳам кўплаб ўзгаришлар юз берди. Бундай ислохотлар барча йўналишларда – институционал, ҳуқуқий, иқтисодий ва дипломатик шаклларда амалга оширилмоқда [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 30-январдаги “Ўзбекистон-2030” стратегиясини “Атроф муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-16-сон Фармонида «яшил иқтисодиёт» тамойилларини кенг жорий қилиш, иқтисодиётни иқлим ўзгаришига мослаштиришга қаратилган лойиҳаларни барқарор молиялаштириш; давлат-хусусий шериклик асосида йирик “яшил энергия” станцияларини барпо этиш вазифалари белгиланган [3].

Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши ва ресурс тақчиллиги шароитида иқтисодий ўсишнинг янги модели — “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегик заруратга айланди. Хорижий инвесторлар эндиликда нафақат тезкор фойда, балки лойиҳанинг экологик хавфсизлиги ва барқарорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу эса тадбиркорлик фаолиятини яшил стандартлар асосида қайта ташкил этиш орқали капитал оқимини кўпайтириш имконини беради.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Тадбиркорлик фаолиятига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари шакллантириш доирасидаги қатор тадқиқот изланишлари хорижлик иқтисодчи олимлардан С.Лиесбетх, М.Миет, С.Жо илмий изланишларида алоҳида аҳамият касб этади.

Ф.У.Умаров тадқиқотларида иқтисодиётнинг тегишли тармоқ ва соҳаларига инвестиция жалб қилиш кўламини кенгайтиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади. А.Бурханов тадқиқотлари орқали ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг илмий-назарий жиҳатлари ўрганилиб, ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг муаммоли жиҳатлари асосланган ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотлар методологияси. Илмий мақолани ёзиш жараёнида илмий тадқиқотни амалга оширишнинг тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик,

индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш усуллари қўлланилган.

Таҳлиллар ва натижалар. Ҳукумат томонидан эълон қилинган маълумотларга қараганда, биргина 2024 йилнинг ўтган 10 ойида мамлакатимизга 26 млрд. доллардан зиёд хорижий инвестиция киритилган. Бу – ўтган йилга нисбатан 1,7 баробар кўп. Шундан қарийб 24 миллиард доллари тўғридан тўғри сармоялардир. Киритилган инвестициялар ҳисобига 6 минг 300 та корхона ишга тушган, улар 30 триллион сўмлик қўшилган қиймат яратган, экспорт 305 млн. долларга ошган. Энг муҳими, буларнинг натижасида 163 мингта юқори даромадли иш ўрни очилган. Ноябрь-декабрь ойларида яна 8,6 млрд. доллар инвестиция келиши кутилмоқда.

2025 йил 6 ой мобайнида инвестиция дастури доирасида 1 млрд. 826 млн. АҚШ долларлик 10 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Ўзбекистонда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 591,1 трлн. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди. Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар тақсимоли қуйидагича: Ишлаб чиқариш саноати — 33,2 фоиз; Электр, газ билан таъминлаш — 17,1 фоиз; Тоғ-кон саноати — 11,9 фоиз; Қишлоқ хўжалиги — 9,2 фоиз; Қурилиш — 6,1 фоиз; Ташиш ва сақлаш — 5,3 фоиз; Сув билан таъминлаш ва канализация — 2,1 фоиз; Соғлиқни сақлаш — 1,7 фоиз; Ахборот ва алоқа — 1,5 фоиз; Бошқа фаолият турлари — 11,9 фоиз.

“Ўзбекистон-2030” стратегиясини “Атроф муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида инвестиция соҳасида амалга оширилган ишлар таҳлилига кўра, жами 21 млрд. АҚШ долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилди ва 1,3 баробар ўсишга эришилди, хусусан:

- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар 18,8 млрд. АҚШ долларини (ўсиш 1,3 баробар);

- халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари 2,2 млрд. АҚШ долларини (ўсиш 2 баробар) ташкил қилди (1-жадвал).

Асосий донорлар томонидан йирик лойиҳалар доирасида ажратилган грант маблағлари.

1-jadval.

№	Асосий донор мамлакатлар ва молия институтлари	Ажратилган грант маблағлари, млн. АҚШ доллари
1	Хитой	55,2
2	GPE	40,0
3	Корея	32,8

4	Осиё тараққиёт банки	29,1
5	“ACWA Power” компанияси	20,0
6	UNDP	7,5
7	KfW	5,3
8	Швейцария Ҳукумати	5,1
9	Жаҳон банки	4,2
10	БАА	6,0
11	iSTEAM	0,4
12	Ислон тараққиёт банки	0,3

Маълумот учун: GPE (Global Partnership for Education) — ривожланаётган мамлакатларда таълим тизимини мустаҳкамлашга йўналтирилган йирик халқаро жамғарма ва кўп томонлама ҳамкорлик платформаси ҳисобланади.

Қиймати 2,5 млрд. АҚШ долларлик 30 та лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига 3 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Тоғ-кон, нефтгаз, кимё, қишлоқ хўжалиги соҳаларида инвестиция 1,5 карра ошди. Республикада амалга ошириш салоҳияти юқори бўлган истиқболли 110 та инвестиция лойиҳаларининг маълумотлари шакллантирилди. Жами 309,2 млн АҚШ долларлик грантлар жалб этилиб, шундан 3 та йирик лойиҳа доирасида 114,1 млн доллар грант маблағлари жалб қилинди.

Президентимиз 2026 йил 4 май куни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгаши 59-йиллик йиғилишининг очилиш маросимида иштирок этди. Сўнгги йилларда иқтисодиётимизга 150 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилиб, минглаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Бу даврда товар ва хизматлар экспорти 3 карра ўсди, миллий иқтисодиёт ҳажми эса 50 миллиарддан 147 млрд. долларга етди.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт ва молия вазирини Ку Юн Чхол бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Мамлакатимизда қарийб 1 мингта кўшма корхона фаолият юритмоқда, Корея инвестицияларининг умумий ҳажми 8 млрд. доллардан ошди. Корея ЭКСИМ-банки ва унинг жамғармалари билан кўп йиллик самарали ҳамкорлик юқори баҳоланди. Улар иштирокидаги лойиҳаларнинг умумий портфели 2 млрд. доллардан ошди.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев ACWA Power компанияси раҳбари Муҳаммад Абунайян бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Саудиялик инвесторлар “яшил” энергетика соҳасининг асосий ҳамкори бўлган ACWA Power компанияси 2025 йил декабр ойида бошланган янги инвестиция ташаббуслари, жумладан, куёш ва шамол электр станцияларини барпо этиш лойиҳалари амалга оширилаётгани қайд этилди.

Ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан “Янги Тошкент” халқаро аэропорти қурилишини бошлаш, Фарғона шаҳрида кўп тармоқли тиббиёт муассасасини барпо этиш, IT-паркда замонавий маълумотлар марказини ишга тушириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони билан “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш белгилаб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон – 2030» Стратегияси қабул қилинган бўлиб, мазкур стратегиянинг 51-мақсади “Яшил” иқтисодиётга ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш” деб белгиланган [2]. Жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг МВт ҳамда жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш ҳамда саноатда “яшил сертификат”лар бозорини ривожлантириш ва “экологик маркировкаш” амалиётини жорий қилиш алоҳида белгилаб берилган.

2022 йилнинг 2 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасини “яшил” иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислохатлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-436-сонли қарори қабул қилинди [4]. Ушбу қарорга асосан, 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш дастурида қўйидагилар белгиланган:

- иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга қисқартириш;
- қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариш қувватларини 15 ГВтга ошириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 30 фоизидан кўпроғига етказиш;
- иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда сув тежовчи суғориш технологиясини жорий этиш; йилига 200 миллион кўчат

экиш ва кўчатларнинг умумий сонини 1 миллиарддан ошириш орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни 30 фоиздан ортиқроққа кенгайтириш каби бир неча ўнлаб аниқ вазифалар белгилаб берилди [5].

Юқоридаги вазифаларнинг амалий ижроси сифатида хусусан, 2023 йил 27 декабрь куни Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида 5 та қуёш ва 1 та шамол электр станцияларининг биринчи босқичи ишга туширилди. Уларнинг қуввати 2400 МВтни ташкил қилади [7].

Ўзбекистонда 2030 йилдан ишлаб чиқариш ва инфратузилма лойиҳаларининг 55 фоизи “яшил” бўлади. 2026 йил уни 26 фоизга чиқариш режалаштирилган. Бунинг учун яна 3,5 гигаваттли 16 та йирик қуёш ва шамол станцияси, 160 мегаваттли 5 та йирик ГЭС ва 1,8 гигаваттли энергия сақлаш қувватлари ишга туширилади [6].

Мазкур инвестиция лойиҳаларнинг ҳамкорлари “Masdar” (БАА), “China Energy Engineering Corporation” (Хитой), “China Energy International Group”, “China Gezhouba Group” ва “SEPCO III, Dongfang Electric Corporation” компаниялари ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, экологик муаммоларнинг салбий таъсирини юмшатиш ва “яшил” иқтисодиётга ўтиш Ўзбекистон учун ҳам давр талаби ҳисобланади.

Охириги йилларда амалга оширилган ишлар натижасида мамлакатимиз бизнес муҳити тубдан ўзгарганлигига ва бу жараён ҳамон давом этаётганига мамлакат аҳолиси ҳам, халқаро ҳамжамият ҳам гувоҳ бўлиб турибди. Молиявий қўллаб-қувватлашда микро-бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича катта амалий ишлар қилинди. Дастурлар орқали микро-бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга ҳар йили 1 млрд. доллардан зиёд маблағ йўналтиряпти. Натижада ҳар бир маҳаллада камида 40-50 нафар янги тадбиркор пайдо бўлиб, минглаб доимий иш ўринлари яратилмоқда. Таъкидлаш лозимки, тадбиркорлар учун молиявий ресурсларни кўпайтириш масаласида қўйидагилар амалга ошади:

Биринчидан, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашда барча банклар ва микромолия ташкилотлари иштирок этиши мумкин бўлади. Микрокредитлар миқдори 3 қарра оширилиб, 300 млн. сўмга етказилади. Бунда, кредитнинг 100 млн. сўмгача бўлган қисмига гаров талаб қилинмайди.

Жорий йилнинг етти ойида 91 та микромолия ташкилоти 6,6 триллион сўмлик молиявий хизматлар кўрсатди ва йил якунигача бу рақам 12 триллион сўмга етказилади.

Иккинчидан, микромолия хизматларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш давом эттирилади. Уларга жорий йилдаги 1,6 триллион сўмга қўшимча 1 триллион сўм ресурс ажратилади.

Бундан ташқари, Микрокредитбанк ҳам ўзининг микромолия ташкилотлари орқали йил якунигача яна 1 триллион сўм жалб қилади. Устав капитали камида 50 миллиард сўм бўлган микромолия банклари ташкил этиш мумкин бўлади. Ушбу банклар кредит портфелининг камида 70 фоизи кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришга йўналтирилади

Шунингдек, микромолия ташкилотлари учун қўшимча имкониятлар яратилиб, тадбиркорларга хорижий валютада хизмат кўрсатиш ва лицензия асосида тўлов ташкилоти сифатида фаолият юритишга рухсат берилади.

Тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлар, уларга берилган имкониятлар иқтисодимиз ривожланишига туртки бўлди. Жумладан, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти илк бор 100 миллиард доллардан ошди. Жорий йил олти ойда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳажми ўтган йилга нисбатан 2 карра ўсиб, 14 млрд. долларга етди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг янги самарали механизмларини яратиш мақсадида институционал ва тузилмавий ислохотлар амалга оширилди, қонунчилик база кучайтирилди, солиқ юки сезиларли даражада камайди.

Бу эса мамлакат ҳудудларида кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожланишига, янги тадбиркорлар пайдо бўлишига ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Энг муҳими, ушбу дадил ислохотлар ортида шахсан мамлакат Раҳбари турибди ва Ўзбекистонда жадаллик билан шаклланаётган тадбиркорлар ва бизнес қатлами иқтисодий тараққиёт йўлида хизмат қилишда давом этади [8].

Тадбиркорлик фаолиятида хорижий инвесторлар жалб қилиш — бу мавжуд корхонанинг улушини сотиб олиш ёки янги лойиҳани ишга тушириш орқали фойда олиш жараёнидир. Бизнесга инвестиция қилишнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

1. Тўғридан-тўғри инвестициялар (Direct Investment).

Стартаплар: Янги, технологияга асосланган ва тез ўсиш потенциалига эга лойиҳаларга сармоя киритиш.

Мавжуд бизнесни кенгайтириш: Фаолият юритаётган корхонага янги филиаллар очиш ёки ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун маблағ киритиш.

Франшиза: Тайёр бизнес модели ва брендидан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш (масалан, овқатланиш шохобчалари ёки хизмат кўрсатиш марказлари).

2. Венчур инвестициялар ва инвестиция фондлари.

Венчур фондлари юқори рискли, лекин жуда катта фойда келтириши мумкин бўлган ёш компанияларга пул тикади.

Хусусий капитал (Private Equity), Ренессанс давридаги ёки барқарор компанияларнинг назорат пакетини сотиб олиб, уларни ривожлантиришга қаратилади.

3. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва имтиёзлар.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес дастурлари доирасида «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури орқали имтиёзли кредитлар ва консалтинг хизматлари кўрсатилмоқда. Баъзи соҳаларда (масалан, ветеринария лабораториялари) бизнесни бошлаш учун 3 ойгача «лицензиясиз кириш» режими жорий этилган. *Инвестиция платформалари яъни*, Электрон платформалар орқали стартап ва пай лойиҳаларига улушбай сармоя киритиш имконияти кенгаймоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада тўпланиб қолган қўллаб муаммолар ечимини топиш, уларни бартараф этишда давлат-хусусий шериклик тизимини қўллаб-қувватлаш орқали ижобий натижаларга эришилмоқда. Худудларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил қилинган муассасалардаги харажатларнинг маълум бир қисми бюджетдан субсидиялар ажратиш орқали қопланиши, тадбиркорлик субъектлари томонидан ижтимоий аҳамиятга эга муассасалар ташкил қилиш эвазига ҳам фойда олиш имкониятини кенгайтириб, жойлардаги ижтимоий муаммолар ечилишида муҳим аҳамият касб этмоқда [9].

Хулоса ва таклиф. Яшил иқтисодиёт — бу шунчаки экологияни асраш эмас, балки янги авлод иқтисодий рақобатида ғолиб чиқиш инструментиدير. Тадбиркорлик фаолиятини яшил стандартлар асосида такомиллаштириш хорижий инвестициялар оқимининг нафақат миқдорини, балки сифатини (юқори технологиялилигини) ҳам оширади.

Инвестиция концепциясининг трансформациясида анъанавий "фойда-риск" модели ўрнини "фойда-риск-барқарорлик (ESG)" модели эгалламоқда. Яшил иқтисодиёт эндиликда харажат эмас, балки хорижий капитални жалб қилишда асосий рақобатдош устунлик эканлиги исботланди.

Институционал муҳитнинг роли эса, хорижий инвесторлар учун яшил иқтисодиётга ўтиш — бу ҳуқуқий қафолат ва шаффофлик белгисидир. Яшил стандартларнинг мавжудлиги мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги (масалан, Doing Business ёки Environmental Performance Index) мавқеини мустаҳкамлайди.

Тадбиркорлик фаолиятида хорижий инвесторларни жалб қилишни такомиллаштиришда яшил иқтисодиётнинг таъсири бўйича амалий таклифлар:

Биринчидан, хорижий инвесторлар учун "Яшил имтиёзлар" пакетини кенгайтириш фақат солиқ имтиёзлари билан чекланмай, "Яшил технологик трансфер" учун божхона ва маъмурий преференциялар тизимини жорий этишни талаб этади. Экологик тоза технологияларни олиб кирган инвесторларга ер

майдонлари ва инфратузилмага уланишда "устувор навбат" (Green Lane) тизимини яратиш керак.

Иккинчидан, миллий ESG-рейтинг тизимини жорий этишда маҳаллий корхоналарнинг халқаро ESG стандартларига мослашувини баҳоловчи миллий рейтинг тизимини ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу хорижий инвесторларга потенциал шерикларни (партнёрларни) тез ва ишончли танлаш имконини беради.

Учинчидан, "Яшил молиялаштириш" инструментларини диверсификация қилишда хорижий инвестиция иштирокидаги лойиҳалар учун "Яшил облигациялар" чиқариш амалиётини соддалаштириш даркор. Тижорат банкларида хорижий линиялар ҳисобидан "эко-тадбиркорлик" учун имтиёзли қайта молиялаштириш ставкаларини белгилаш керак.

Тўртинчидан, инсон капиталини яшил кўникмаларга мослаштириш жараёнида хорижий инвесторлар юқори технологик ускуналар билан келишини инобатга олиб, профессионал таълим тизимида "Green Skills" (яшил кўникмалар) бўйича кадрлар тайёрлаш дастурларини йўлга қўйиш лозим.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик фаолиятига яшил иқтисодиёт тамойилларини интеграция қилиш — хорижий инвестициялар оқимини барқарорлаштиришнинг стратегик драйверидир. Тадқиқот шуни кўрсатадики, яшил мезонларга асосланган бизнес-моделлар нафақат экологик хавфларни камайтиради, балки капиталнинг қайтувчанлик даражасини (ROI) ошириб, маҳаллий маҳсулотларнинг глобал занжирлардаги ўрнини таъминлайди.

Foydalanilgan adabiyot ro'yxati:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 30-январдаги ПФ-16-сон «Ўзбекистон-2030» стратегиясини «Атроф муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасини «яшил» иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислохатлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-436-сонли қарори.
5. АГЗАМОВА Г. А., ТУРСУНОВ И. Э. ОХРАНА ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ И ЗЕЛЕНАЯ ЭКОНОМИКА: АНАЛИЗ РЕАЛИЗАЦИИ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ ДОКУМЕНТОВ //TADQIQOTLAR. – 2025. – Т. 71. – №. 2. – С. 295-303.

6. Tursunov I. E. Охрана окружающей среды и зеленая экономика: анализ реализации нормативно правовых документов //THE INNOVATION ECONOMY. – 2026. – Т. 2. – №. 01.

7. Tursunov I., Tursunzoda J. THE ROLE OF THE CREATIVE ECONOMY IN THE SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF REGIONS //Eureka Journal of Business, Economics & Innovation Studies. – 2026. – Т. 2. – №. 3. – С. 146-156.

8. Tursunov I. et al. Territorial development of innovation activities of small and medium businesses //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing LLC, 2025. – Т. 3290. – №. 1. – С. 030018.

9. Турсунов Имомназар Эгамбердиевич, Хамроев Гайратжон Султонович ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОЕ ПАРТНЁРСТВО — КАК МОДЕЛЬ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА // ELS. 2024. №сентябрь 6.URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvenno-chastnoe-partnyorstvo-kak-model-innovatsionnogo-razvitiya-predprinimatelstva>.